

Ҳудҳуднинг ибрати ёхуд тақдирнинг олдида кўз кўр бўлади



20:00 / 02.11.2021 4028

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан сўрашди:

«Нега Сулаймон алайҳиссалом қушлар орасидан Ҳудҳудни қидирдилар?»

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дедилар:

«Чунки Сулаймон алайҳиссалом бир манзилга бориб сувнинг қаердалигини билмасалар Ҳудҳуд ер остидаги сувнинг жойини у кишига айтиб берар эди».

Кишилар сўрашди:

- Нега унда ер остидаги сувни кўрадиган Ҳудҳуд ер устига тузоқ қўйилиб, усти тупроқ билан кўмиб қўйилса уни кўрмасдан тузоққа тушади?

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дедилар:

«Қадар воқе бўлса кўз кўр бўлади».

Сулаймон алайҳиссалом бутун ер юзида подшоҳ эдилар. Инсонларга ҳам, жинларга ҳам ҳукмронлик қилганлар. У киши қушлар ва ҳашаротлар билан сўзлашар эдилар. Шамол у кишига бўйсунар эди. Буларнинг барини Аллоҳ

у кишига берган эди. Аммо Аллоҳ у кишини Худхудга муҳтож қилиб қўйди. Агар сув чиқармоқчи бўлсалар ер остидаги сувнинг ўрнини Худхуддан сўрар эдилар. Худхуд у кишига қаерда сув борлигини айтиб берар эди.

Мана шу ер остидаги сувни кўрадиган Худхудга битта кичкина болача тузоқ қўйиб, устини тупроқ билан кўмиб қўйса уни кўрмас эди. Зеро, тақдирнинг олдида кўз кўр бўладида.

Ана шу Худхуд Ямандалигида Билқис ва унинг қавмини Аллоҳни қўйиб қуёшга сажда қилаётганини кўрди. Сулаймон алайҳиссалом Шомда эдилар. Яман билан Шом ўртасидаги масофа 2000 км атрофида. Ана шунча масофани Худхуд Аллоҳ йўлида тўрт марта босиб ўтди:

1. Кузатиш учун борди.
2. Сулаймон алайҳиссаломга хабар олиб келди.
3. Сулаймон алайҳиссаломнинг мактубларини Билқисга олиб борди.
4. Қайтиб келди.

Худхуд оддий қуш, Аллоҳ йўлида саккиз минг км йўл босибди. Ўзимиздан сўрадикми, Аллоҳ учун қанча йўл босдик?!

Билқиснинг катта тахти бор эди, ҳайбатли саройи бор эди, бепоён мулки бор эди, ривожланган цивилизацияси бор эди. Худхуд буларнинг барини кўзи билан кўрган эди. У Сулаймон алайҳиссаломнинг ҳузурларига қайтганида булар ҳақида гапнинг орасида бирров айтиб ўтиб кетган бўлсада, аммо гапининг гавҳари ва маъзи уларнинг тавҳидни тарқ қилгани, қуёшга сиғинаётгани ҳақида бўлди.

Агар биздан бирортамиз ғарб давлатларига сафар қилсак борми, ихтиролар соҳиби бўлмиш ғарбликларни ихтироларини, ривожланганини мақтаб тавҳидда турган ўз халқидан нафратланиб, қоқоқлигидан хижолат бўлиб қайтади.

Иймон барча нарсадан устун туради. Инсоннинг ҳақиқий ўрни унинг Аллоҳга яқинлиги ёки узоқлигига қараб белгиланади.

Бу ҳақда албатта Худхуднинг ибрати бизга етарлидир!

Худхуд покизаликни севадиган қуш бўлиб, у турли заҳарли кимёвий газлар ва моддалардан ҳоли бўлган худудларда яшашни ёқтиради. У хавфни

сезса, бошидаги тожини тикка қилиб, омонлик пайтида тожини тушириб олади. Агар ўзига ёки болаларига нисбатан душман хавфини сезса, думи остиги безлардан қора рангли бадбўй суюқлик чиқаради. Аллоҳ таоло уни ўткир кўриш қуввати билан жиҳозлаган. У сувни узоқдан кўради. Араблар кўзи ўткир одамларни «Унинг кўзи худхудникидан ҳам ўткир» деб айтадилар.

Кейинги ўрганишлардан маълум бўлишича, худхуд почтачилик хизматини маҳоратли бажариб, мактубни керакли манзилга етказишда кабутарлардан кўра аниқ ва тезкорроқ экан.

Аллоҳ таоло бу жонзотни ана шундай имконият ва хусусиятлар билан яратган. Булар бизга маълум бўлгани. Маълум бўлмаганлари жуда ҳам кўпдир.

Интернет манбалари асосида тайёрланди